**Ушбу сонда:**

**2** «Ишонч» оталиғидаги коллежда — БАРКАМОЛ АВЛОД — ВАТАН ТАЯНЧИ

**3** *Назорат* — СОЛИҚ ТЎЛАГАН ЮТАДИ

**4** ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## ШАРҒУН КЎМИРИ АФҒОНИСТОНГА

Термиз-Хайротон кўприги, Термиз дарё порти орқали Афғонистонга халқаро инсонпарварлик ёрдами юкларини ўтказиш давом этмоқда. Ҳозиргача БМТ, ЮНИСЕФ, Халқаро қизил хоч ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан юборилган юклар 125 минг тоннадан ошди. Ушбу юкларни Термизга келтириш, сақлаш ва ўтказиш ишларини мувофиқлаштириб турган Сурхондарё вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, яна 10 минг тонна юк жўнатишга тайёрлаб қўйилган.

Ўн минг тонналик ушбу инсонпарварлик ёрдами асосан Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа яқин хорижий давлатлардан юборилаётган метал, озиқ-овқат ва ёқилғи маҳсулотларидан иборат. Мамлакатимиздаги Шарғун кўмир конидан қазиб олинаётган тошкўмир ҳам Афғонистонга юборилмоқда.

**(ЎзА).**

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 30 март, шанба №52 (1269)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Оқсаройда «Нестле» корпорациясининг Осиё, Африка, Австралия, Океания ва Яқин Шарқ минтақалари бўйича президенти Майкл Гарретни қабул қилди.***

- Ўзбекистонда «Нестле» билан ҳамкорликка алоҳида аҳамият берилмоқда, - деди Ислом Каримов учрашувда. - Мамлакатимизда шу вақтгача биргаликда амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Наманганадаги «Нестле Ўзбекистон» қўшма корхонаси ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар биз учун ғоят муҳим. Чунки шу вақтгача стерилланган ва қуритилган сутни, йогурт, болалар кашаси каби ўта зарур маҳсулотларни четдан келтирар эдик. Мамлакатимизда оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан хабарингиз бор. Шу жиҳатдан ҳам биз «Нестле» билан ҳамкорликдан манфаатдормиз.

Таъкидлаш жоизки, 1999 йилда бошланган ўзаро ҳамкорлик натижаси ўлароқ бугун Намангандаги «Нафосат» очиқ турдаги акционерлик жамияти негизида улкан қўшма корхона фаолият кўрсата бошлади. Режага кўра, 6 йил давомида 30 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда сармоя ўзлаштирилиши керак эди. 1,5 йил ичида шунинг 22 миллиони ўзлаштирилди. Айни вақтда Наманган вилоятида ўттизга яқин сут қабул қилиш пункти мавжуд. Жорий йилда бундай замонавий муассасалар сони қирққа етказилиши кутилмоқда. Шунингдек, 2002 йилнинг ўзидаёқ умумий баҳоси 2 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон корхоналарининг «Нестле» корпорацияси билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

*Ижтимоий ҳимоя*

# ИНТИЛИБ ЯШАЙДИ ИНСОН

***Президентимизнинг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва шу хусусда Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган Қарори фуқаролар йиғинлари ва маҳалла қўмиталари зиммасига катта масъулият юклайди.***

Олот туманидаги Баҳористон қишлоғи Бухоро вилоятининг Туркманистон Республикаси билан чегарадош ҳудудида жойлашган. П.Йўллиев раислик қилаётган қишлоқ фуқаролар йиғини 2002 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг аниқ тадбирларини белгилаган. Саховатпешалик, инсонни қадрлаш, меҳр-мурувват маҳалла фаолларининг асосий ишига айланган.

Қарияларни қадрлаш йили давлат дастури асосида ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга эътибор кучайтирилмоқда. Йилнинг ўтган чорагида 14 нафар отахону-онахонларнинг ҳар бирига ойига 5145 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари 3500 сўмликдан озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Яқинда фуқаролар йиғини раиси ва маҳалла оқсоқоллари Фармон Оққиев, Сулаймон Қўзиевлар Човдир қишлоғида яшовчи Дурди Тоғанов хонадонида бўлишди. Қарилик нафақасига чиққан Дурди оғанинг оиласида 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор, турмуш ўртоғи эса бир неча йилдан бери касалхонада даволанаяпти. Биз отахон билан суҳбатлашганимизда туман ҳокимлиги ва қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари доимо оила ҳолаҳволидан хабардор бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганликларини айтди.

— Амалдаги йилнинг биринчи чорагида қирқ нафарга яқин кам таъминланган оилага 300 минг сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди П.Йўллиев. — Янги қарор бўйича икки ёшгача боласи парвариши билан машғул бўлган оналарга 5831 сўмдан нафақа тўланяпти.

Ижтимоий муҳофаза адолатли йўлга қўйилган. Бултур икки ёшгача фарзанди бор оналарга 7 миллион 667 минг сўм берилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда 9 миллион сўмдан ошиб кетади. Янги Фармонга асосан 172 та оила фарзандлари 18 ёшга тўлгунча нафақа олишади.

Туманда маҳаллалар фаолияти янада кучайтирилаяпти. Осойишталик, ҳушёрлик давр талабига айланган. Барча маҳаллаларда «Маҳалла посбонлари», «Чандир», «Сойинқоровул», Қирлишон фуқаролар йиғини ҳудудларида «Чегара посбонлари» отрядлари ишлаб турибди. Отряд бошлиқларига иш ҳақининг 30 фоизи, аъзоларига эса 20 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланаяпти.

Милиция ходимлари билан ҳамкорликда хизмат қилаётган посбонлар ўғрилик, гиёҳвандлик, безорилик жиноятларининг олдини олишда фаоллик кўрсатишаяпти.

Зулфиқор Жумаев бошчилик қилаётган «Маҳалла посбонлари» тизилмаси аъзоларидан Қурбон Рўзиев, Тош Ўринов, Турди Бегматов кабилар доимо ўз постларида сергак ва ҳушёр туришибди.

6 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган «Гулистон» фуқаролар йиғинидаги Б.Аллабердиев бошлиқ «Маҳалла посбонлари»нинг ҳушёрлиги билан Опшоқ қишлоғида гиёҳвандлик билан шуғулланувчи икки киши қўлга олинди. Ҳудуддаги тўртта қишлоқда қоровуллик постлари ташкил этилган.

Туманда «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори асосида аҳолини огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи тушунтириш-профилактика ишлари кучайтирилаяпти. «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат маркази» мутахассислари ички ишлар ходимлари билан яқин ҳамкорликда фаолият юритмоқдалар.

**И.ИСОМУДДИНОВ.**

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жамил Саид Иброҳим Фаид ишонч ёрлиғи топширди.***

Миср араб дунёсида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган давлатдир. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари доимий равишда маслаҳатлашувлар ўтказиб туради. Шундан кўплаб халқаро ва минтақавий масалаларга муносабатларимиз муштаракдир.

Мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалари ҳам изчил ривожланмоқда. Хусусан, иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия доимий равишда мажлислар ўтказади.

Икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш масаласи бош мавзу бўлган суҳбат чоғида Ислом Каримов Миср элчисига муваффақият тилади.

Жамил Саид Президентимизга Миср раҳбари Ҳусний Муборакнинг саломини етказди ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

***Шу куни Президент Ислом Каримов Молдова Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ефим Килардан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.***

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда фаолият бошлаётган янги элчига муваффақият тилар экан, икки давлат ўртасидаги муносабатлар анъанавий тусга эга эканлигини таъкидлади.

Ислом Каримовнинг 1995 йили Молдовага буюрган давлат ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган. Шунингдек, Ўзбекистон билан Молдова икки ва кўп томонлама ҳамкорлик қиладиган давлатлар сирасига киради. Халқаро тузилмалар, хусусан, МДҲ доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Мамлакатларимиз ГУУАМ доирасида ҳам ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми салоҳиятимиз даражасида эмаслиги, захирада ишга солинмаган имкониятлар кўплиги ва улардан кенг фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Молдова элчиси ўз мамлакатидаги ишбилармонларнинг Ўзбекистондаги тадбиркорлар билан бирга ишлаш истаги кучли эканлигини қайд этди. Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликдан ташқари, маданий алоқаларни ҳам янада ривожлантиришни ўз миссиясининг асосий мақсади, деб билишини айтди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

*Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги*

# ИШ ҲАҚИГА УСТАМА

***Меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва бошқаришда жамоа шартномасининг аҳамияти катта. Шунинг учун томонлар қабул қиладиган мажбуриятларни пухта ишлаб чиқиш керак. Мана шу жиҳатдан хўжалигимиз бошқаруви ва касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорлигини ибратли дейиш мумкин. Неча йилдирки бу анъана узлуксиз давом этиб келмоқда.***

Расмиятчилик учун тузиладиган жамоа шартномасининг таъсири ҳам, аҳамияти ҳам бўлмайди. Шу боис амалий самара берадиган тарзда ишлашга интиламиз. Жамоа шартномаси, лойиҳасини ишлаб чиқишда меҳнаткашларнинг эҳтиёжи, талаби, хўжаликнинг имкониятларини инобатга оламиз. Табиийки, бунда амалдаги меҳнат қонунларида белгиланган қоидаларга алоҳида эътибор берилади. Ана шу асосда тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши тўлиқ таъминланади.

Жамоа шартномасини бажариш мақсадида ҳар йили хўжалик бошқаруви билан биргаликда махсус тадбирлар тузилади, вазифалар қатъий белгилаб қўйилади. Натижада, у ёки бу масала пайсалга солинмай, ўз вақтида ечим топмоқда. Хусусан, баҳорги серюмуш мавсум бошланмасданоқ барча иш жойлари меҳнат муҳофазаси талабларига мос равишда тартибга келтирилди. Ўтган йили бу тадбирларга 300 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Кимёвий моддалар билан ишловчилар шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиб, иш ҳақларига 10 фоиз устама тўланди. Меҳнатга ҳақ тўлашда, шунингдек, иш сифати, меҳнат стажи, малакаси ҳам инобатга олинмоқда. Аёлларимиз иш вақти ва нормаси қисқартирилди. Кам таъминланган ёш болали оналар тумандаги «Муродобод» сиҳатгоҳида, меҳнаткашларнинг 16 нафар фарзанди Қ.Қаршиев номли болалар оромгоҳида хўжалик ҳисобидан дам олдирилди. Бундай мисоллар кўп.

Маданият, маърифат, спорт ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Йил якунида юқори меҳнат натижаларига эришган 40 нафар киши учун Тошкентга саёҳат уюштирилди. Хўжалик клубида бир қанча кўнгилочар тадбирлар ўтказилди. Аҳолининг турмуш ташвишларини енгиллатиш учун барча қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш масканлари ишлаб турибди. Аҳолининг ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун клуб, кутубхона, 4 та спорт майдони улар ихтиёрига бериб қўйилган.

Хўжалик аъзоларининг манфаатларини қонун доирасида ҳимоя қилгани боис касабақўм муайян мавқега эга. Барча масалаларда касабақўмнинг нуқтаи назари ҳисобга олинади. Масалан, хўжалик техника саройида ишлайдиган таъмирловчи усталарга иссиқ овқат тайёрланадиган бўлди. Хўжалик аъзоларидан Н.Умматов, Х.Суннатов, А.Иззатуллаевлар касабақўм талабига кўра иш билан таъминланди.

**Э.ЭРДОНОВ,**
**Иштихон туманидаги А.Бердиқулов номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*Журналист нуқтаи назари*

# ЛАВОЗИМ ВА БУРЧ

***Бозор шароитида кўпга бош бўлиш, масъулиятли вазифаларнинг уддасидан чиқиш осонмас. Бунинг учун одамлар юксак ишонч билдирган раҳбар омилкор, изланувчан, ташаббускор, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши биладиган мутахассис бўлиши керак. Шунингдек у, ислоҳотларнинг нурли эртасига чуқур ишониб, бошқаларни ҳам шунга даъват этиб, барчани умуммақсад сари бирдек сафарбар эта билиши лозим.***

«Нодира» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Феруза» болалар боғчасининг мудираси, чустлик Зулхуморхон Турсунованинг таҳририятимизга йўллаган хатини таъсирланиб ўқир эканмиз, афсуски, барча раҳбарлар ҳам биз орзу қилган даражада ишламаётганлиги, қайсидир жамоаларда ўзибўларчилик, масъулиятсизликка йўл қўйилаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Хат муаллифи адолатсизлик зарбига учраб, ногирон бўлиб қолибди. Гап шундаки, «Нодира» акциядорлик жамияти раҳбари А.Латипов дастлабки кунларданоқ «мен раҳбарман, меники тўғри» қабилида иш юритди. Муҳим тадбирларни амалга оширишда мутахассислар, тажрибали ишчилар фикри билан ҳисоблашмади. Энг муҳими, мазкур жамоада бозор иқтисодиёти талаблари ҳисобга олинмади. Тўғрисўз, йиғилишларда корхона инқирозга юз тутаётганлигини очиқ-ошкор айтган кишилар тазйиққа учради. Оқибат натижада, одамларнинг ишдан кўнгли совиди, маҳсулот сифатига путур етди. Ўзининг номақбул иш услуби билан корхонани чўктириб қўйган А.Латипов ими-жимида ишдан кетди.

Биз тажрибали мутахассислардан бири М.Самаев билан фикрлашдик. У яхши ташкилотчи, ўз ўрнини топган бош муҳандис сифатида назарга тушганди. Бахтга қарши билимдон мутахассиснинг қатъиятлилиги раҳбарга ёқмади.

— Собиқ раҳбарнинг нўноқлиги бизга қимматга тушди, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмай, бори ҳам бой берилди, — дейди афсус билан М.Самаев. — Қисқа вақт ичида туппа-тузук ишлаб турган ажойиб тикув машиналаридан ажрадик. Хуллас, бу ерда ишлаб бўлмай қолди. Қувғинга учрагач, ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилиб, тегишли идораларга учрадим. Натижада ўз ишимга қайта тикландим. Ойлаб мажбурий бекор юрган кунларим учун ҳақ ундириб беришди. Лекин бу ерда кўнгилни илитадиган ҳеч нарса қолмаганди. Шу боис тадбиркорликни ихтиёр этдим...

Чуст қадимдан ҳунармандлар маскани. Қўли гул кишилар томонидан тайёрланаётган дўппи, пичоқ, зардўзлик намуналари барчани лол қолдиради. Яхши ташкилотчи, ҳунарманд Инобатхон Ашурматова елиб-югуриб вилоят тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Варзик» бўлимини очиб, 150 кишини муқим иш билан таъминлади. Кўп ўтмай мазкур бўлим «Нодира» ҳиссадорлик жамиятига қўшилди. И.Ашурматова раҳбарликка сайланди. Ўшанда 800 кишилик корхона жамоаси томонидан тайёрланаётган болалар ва эркаклар кўйлакларига харидор кўп эди. Моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги, ҳунармандлар меҳнатига яраша рағбат кўраётганлиги боис, ишлаб чиқариш кенгайиб борди. Бироқ кутилмаганда корхонада раҳбарликка сайлов ўтказилиши маълум қилиниб, И.Ашурматова билан А.Латиповнинг номзоди қўйилди. Қизиғи шундаки, бунгача «Маиший хизмат кўрсатиш» жамоаси ишини тамоман барбод қилган шахс туман раҳбарларидан бирининг майли билан корхона бошлиғи деб эълон қилинди. Бу одамлар кайфиятига салбий таъсир ўтказди. Матбуотда ноқонуний «сайлов», янги раҳбарнинг ажабтовур ҳаракатлари ҳақида мақола чоп этилган бўлса-да, аҳвол эскилигича қолаверди. Маблағ совурилди, З.Турсунова, И.Ашурматова каби соф виждонли, асл тадбиркорлар ёмон отлиққа айландилар. Ҳамкору ҳамжиҳатлик бўлмаган жойдан барака кўтарилади. Жумладан, дебитор ва кредитор қарзлар кўпайди, ойлик маош баъзи ўринларда вақтида берилмади. Оқибат натижада амал-тақал қилиб мулк эгалиги 9 миллион 300 минг сўм миқдорида белгиланиб, Чуст туман ҳокимлиги ихтиёрига берилди. Пировард натижада бюджетдан 4045145 сўм, пенсия жамғармасидан 1306648 сўм, иш ҳақидан 746334 сўм, болалар нафақасини 2 миллион 581 минг сўм миқдоридаги пуллар тўланмай қолди. Ҳатто, яхши инсонлар ташаббуси билан очилган «Феруза» болалар боғчаси ҳам ёпилди. Мудира З.Турсунова ноҳақлик, адолатсизлик билан кураша-кураша дардга чалинди.

Шундан сўнг, А.Латипов муайян муддат бошқа ерда раҳбарлик лавозимида ишлаб у ерни ҳам «қойил» қилгач, кимларнингдир ёрдамида Поп ҳиссадорлик жамиятига бошлиқ бўлиб олди. Иқтидор, билим, ташкилотчилик бўлмагач, муваффақият ҳақида қандай гап бўлиши мумкин. Натижа яна кўпчилик кутганидек бўлди. 2000 йилда корхона А.Латипов айби билан 24 миллион сўм зарар кўрди. Иш ҳақидан қарздорлик 13 миллион сўмни ташкил этди. Дунёнинг ишларини қарангки, энди Аҳмаджон Латиповга Мингбулоқ туманидаги «Гулбоғ» пахта тозалаш заводи қўш қўллаб топширилди.

Кўпчилик адолатли тарзда ушбу саволни кўндаланг қўймоқда: қатор корхона, ташкилотларга раҳбарлик қилиб, адолатсизликка, ноқонуний ишларга қўл урган, уларни инқирозга дучор қилган кимсани кетма-кет лавозимлар билан сийлаётганлар қандай мантиққа кўра иш тутмоқдалар, улар бу давлат, меҳнаткашлар олдидаги масъулиятсизлик эканлигини наҳотки тушунмаётган бўлишса?!

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

## Саволларингизга ЎзКУФКнинг юридик бўлими ҳуқуқшуноси Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА жавоб беради

**САВОЛ: 1948 йилда туғилганман. Аммо туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномам 2 йилдан кейин олинган. Ҳужжатларимда туғилган йилим 1950 йил деб ёзилган. Буни қандай ўзгартирса бўлади?**

**А.АЛИМОВ,**
**Нарпай тумани 33-ўрта мактаб ўқитувчиси.**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 228-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш учун етарли асослар мавжуд бўлиб, манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганда ушбу далолатнома ёзувлари сақланаётган жойдаги Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

16 ёшга тўлган шахсларнинг туғилиши, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралишни қайд этиш дафтарчасига ўзгартиришлар киритиш уларнинг аризаларига биноан амалга оширилади.

ФХДЁ органларининг далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишни рад этиш тўғрисидаги хулосаси устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**САВОЛ: Фуқаролар томонидан бирон-бир ихтиро ёки таклифлар бўлса, қайси ташкилотларга мурожаат қилиши керак ва бу ихтиро Қонун асосида қандай расмийлаштирилади?**

**Иброҳим АБДИЕВ,**
**Бухоро шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1082-моддасига асосан ихтиро, фойдали модел ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқ патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади.

Ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи ихтиро ва саноат намунасига нисбатан патент, дастлабки патент деб, фойдали моделга нисбатан эса гувоҳнома деб аталади.

Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига нисбатан қўйиладиган, патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда патент идорасининг бундай ҳужжатни бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил, 5-сон, 138-модда).

### ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Ихтиро объектлари турли-туман кўринишларга эга. Баъзи ҳолларда аввалдан мавжуд объектни янги мақсадларда қўлланиши ҳам ихтиро ҳисобланади.

Қуйидагилар ихтиро ҳисобланмайди:

— илмий назариялар ва математика усуллари;

— хўжаликни ташкил этиш ва бошқариш усуллари;

— шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;

— ақлий операцияларни бошқариш қоидалари ва усуллари;

— ЭҲМлар учун алгоритмлар ва дастурлар;

— бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва схемалари;

— эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;

— интеграл схемаларнинг топологиялари;

— ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;

— жамият манфаатлари, инсонпарварлик ва аҳлоқ қоидаларига зид ечимлар (масалан, инсонни руҳий ёки жисмоний қийноққа солиш воситалари, фаҳш-бузуқлик воситалари ва ҳоказо).

Ихтиро патенти ихтиронинг янгилигини, ихтирочилик даражасини, патентнинг ҳақиқийлиги ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга нисбатан мутлақ ҳуқуқини гувоҳлантиради.

Ихтирога берилган дастлабки патент ва фойдали модел гувоҳномаси беш йил мобайнида амал қилади.

Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ва махсус ном бериш ҳуқуқи ўша ихтиронинг муаллифига тегишлидир.

Муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлар патентга асосланган ҳуқуқлар юзага келган пайтдан эътиборан вужудга келади.

Ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси муаллифини қонун махсус ҳуқуқлар, имтиёзлар ва ижтимоий тусдаги афзалликлар билан таъмин этиш мумкин. (ЎРФК 1085 м).

Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасидан фойдаланиш фақат рухсатнома (лицензия) орқали амалга оширилиши мумкин. Рухсатнома ёзма равишда бўлиб, у албатта патент идораларида рўйхатдан ўтказилган тақдирдагина юридик кучга эга бўлади. (ЎРФК 1089 м).

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

**САВОЛ: II жаҳон уруши қатнашчисиман. Ҳозирда I гуруҳ меҳнат ногирониман. Уруш қатнашчиси сифатида менинг пенсиямга қўшимча бериладими ва қандай имтиёзлардан фойдаланишим мумкин?**

**М.БОЙЗАҚОВ,**
**Фориш тумани.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддаси «ж» бандига асосан уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар берилади.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар Қонун ҳужжатларида белгиланган қуйидаги имтиёзларга эга:

— шифокор рецептига асосан бепул дори-дармон олиш;

— даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиш;

— сиҳатгоҳ йўлланмасини ҳар йили бепул олиш;

— икки йилда бир маротаба бепул сиҳатгоҳ йўлланмасини олиш;

— тиш протезларини яшаш жойидаги поликлиникаларда бепул созлаш ҳамда тайёрлаш;

— тиббий хулосага асосан протез-ортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олиш;

— барча турдаги (таксидан ташқари) шаҳар йўловчи транспортлари, маъмурий туман ҳудудидаги (таксидан ташқари) йўловчи транспортлари, шаҳар атрофида қатновчи (таксидан ташқари) йўловчи транспортларда бепул юриш жумладан, шаҳар атрофига қатнайдиган темир йўл транспортидан фойдаланиш;

— ҳаво, темир йўл, шаҳарлараро автомобил транспортида бир йилда 1 марта (бориш, қайтиш) чипта нархи 50 фоиз арзонлашган нархда юриш;

— турар-жой учун ҳақ тўлашдан озод этиладилар (1кишига 16 кв.м);

— коммунал хизматлар (газ, сув, электр ва иссиқлик энергияси) учун ҳақ тўлашда 50 фоиз енгилликка эга;

— марказий иситиш тармоғи бўлмаган уйларда яшайдиганларга ҳар йил 50 фоиз арзон нархда 2 тонна кўмир олиш;

— телефон учун абонент ҳақи тўлашда 50 фоиз енгилликка эга;

— автомашина бензини учун товон пули олиш;

— даромад солиғи тўлашдан озод этилади (энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида);

— мол-мулк солиғи, ер солиғидан озод этилади;

**САВОЛ: 1982 йилдан (кўз касалликлари бўйича) II гуруҳ ногирониман. 1991 йилдан 1997 йилгача ишни давом эттирдим. Ижтимоий таъминот бўлими юқорида кўрсатилган муддатларда ишлаган давримни пенсиямни қайта ҳисоблаб чиқариш учун инобатга олмади. Шу тўғрими?**

**Ў.СОБИРОВ,**
**Гурлан тумани.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 49-моддасида пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари белгиланган. Бунга кўра пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда яъни:

— ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

— боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

— энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда;

— минтақавий коэффициент белгиланган ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда;

— даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаб чиқариш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда тегишли ташкилотга мурожаат этишлари мумкин.

Шуни айтиш жоизки, ушбу Қонун пенсия тайинланганидан кейин орттирилган меҳнат стажини ва иш ҳақини ҳисобга олиб, қайта ҳисоблашни бекор қилади. Фақат янги асослар бўйича бошқа пенсияга ўтган ҳоллардагина меҳнат стажи ҳисобга олинади. Бунда ногиронлик пенсиясидан ёшга доир пенсияга ўтган ҳолларда пенсияни қайта ҳисоблаш амалга оширилади. Демак, Сиз ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлсангиз ушбу даврлар ҳисобга олинади.

Ижтимоий таъминот бўлими ходимлари Сизнинг 1991 йилдан 1994 йил 1 июлгача бўлган иш даврингизни пенсиянгизнинг миқдорини ҳисоблаб чиқаришда инобатга олишлари шарт.

*Касаба уюшма фаоллари*

## РАИСА ШЕГАЙ: МЕНИ БАХТЛИ АЁЛ ДЕЙИШАДИ



Телефон жиринглади. Раиса Семёновна гўшакни кўтарганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўқув марказининг раҳбари Ю.Переверзевнинг овози эшитилди.

— Маърузага тайёрмисиз, вилоят касаба уюшма кенгашларидан келган молиячилар сизни кутишаяпти.

— Ҳаммаси жойида, меҳнат жамоаларидан таҳлилий материаллар, соҳага оид сўнгги янгиликларни жамладим. Бу тингловчиларга фойдали бўлади.

Шу тобда қалбини илиқ ҳислар чулғади. Негаки ҳамкасблари уни яхши мутахассис, ташкилотчи сифатида эъзозлашади. Бунга эса кўп йиллик ҳалол меҳнати эвазига эришди. У Харковдаги Зооветеринария институтини тугатгач, Целиноградцаги хўжаликда бош зоотехник бўлиб ишлай бошлади. Бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалиги институтини сиртдан тугатиб, иқтисодчи мутахассислигига ҳам эга бўлди. Сўнг тақдир тақозоси билан серқуёш диёримизга келиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг меҳнат ва ҳақ тўлаш бошқармасида катта иқтисодчи сифатида фаолият юритди. 1971 йили ЎзКУФКнинг ижтимоий суғурта бўлимига таклиф этилди.

— Бўлимимизнинг ўзига хос томонлари кўп, — дейди Раиса Семёновна. — Федерация Кенгаши тасарруфида 100 та профилакторий, 98 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда 17 та санаторий мавжуд. Уларни маблағ билан таъминлашга даъват этилганмиз. Шунингдек, сиҳатгоҳларни қуриш, таъмирлаш ҳам ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан бажарилади. Шу боис ҳар бир ходимимиз синчковлик билан иш юритиши, билим ва тажрибасини тинмай ошириб бориши лозим.

Ҳамкасбларининг таъкидлашларича, Раиса опа ўзининг камтарлиги ва самимияти билан ажралиб туради.

— Раиса билан узоқ йиллардан буён ҳамжиҳат ишлаб келаяпмиз, — дейди бўлим мудирининг ўринбосари Римма Верешагина. — Унинг масъулиятни чуқур ҳис этиши, ҳар бир топшириқни вақтида, аъло даражада бажаришга интилиши, ёшларга кўп йиллик тажрибасини қунт билан ўргатиши ҳавасимни келтиради.

Тажрибали мутахассис уйда катта хонадоннинг бахтли соҳибасидир. Умр йўлдоши Владимир Ким билан фарзандларини ажойиб инсонлар этиб тарбиялашди.

Ҳар куни эрта билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг файзли эшигидан сизга самимият билан табассум қилиб келаётган аёлга кўзингиз тушади. У бахтини меҳнатдан топган, ўзининг муборак 60 ёшини нишонлаётган ажойиб инсон Раиса Шегайдир!

**Н.РАФИҚОВ.**

*Бир Фармон шарофати*

## ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР ИМТИЁЗЛАРДАН БАҲРАМАНД

***Президентимизнинг аҳолининг кам таъминланган қатлами, якка-ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан қатор фармонлари бўйича бир мунча ишлар қилинди. Масалан, бугунги кунда бўлимимиз ҳисобида маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда аниқланган 258 нафар якка-ёлғиз ва ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар турли имтиёзлардан баҳраманд бўлишмоқда.***

Уларга 47 нафар ижтимоий таъминот ходими бириктириб қўйилган. 9 турдаги меъёрлашган бепул озиқ-овқатлар, шунингдек, дори-дармонлар етказиб берилишига, тўлиқ даволанишларига кўмаклашилмоқда. Чунончи, ўтган йил мобайнида кекса авлод вакилларига 11 миллион сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шунингдек, ҳар бир нуроний 4218 сўмлик, жами 1 миллион 243 минг сўмлик дори-дармон билан таъминланди. Бундан ташқари, уларнинг газ, сув, электр энергиясидан имтиёзли фойдаланганликлари учун 4 миллион 911 минг сўм сарфланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги 1999 йил 7 декабрдаги Қарорини амалга ошириш мақсадида 400 нафардан зиёд ёлғиз-кексалар, кам таъминланган оилалар, пенсионер ва ногиронлар аниқланиб тиббий кўрикдан ўтказилди. 7 нафар ногирон аравача, 18 нафар қария махсус ҳасса, 5 нафари қўлтиқтаёқ ва бошқа мосламалар билан таъминланди. 15 нафар нуронийларнинг уйи таъмирлаб берилди. Якка-ёлғизларнинг 10 нафари сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаб, дам олишлари учун йўлланма олди.

Ўзгалар ёрдамига муҳтожлар вилоят ҳокимининг фармойиши билан ҳокимликларнинг масъул ходимлари, корхона, ташкилот, ҳиссадорлик жамиятлари ва фирма раҳбарлари ҳомийлигига олинган. Масалан, вилоят ҳокимининг ўзи ёлғиз қария Салимахон Камоловага рўзғор камчиликларини бутлашда ёрдамлашиб туради. Вилоят сув-оқава ва электр тармоқлари корхоналари кам таъминланган оилаларни газ, сув ва электр энергиясига ҳақ тўлашдан озод қилган. Мақсадимиз ҳеч бир кексани ёлғизлатиб қўймаслик, кўнглини ўкситмаслик, атрофида ғамхўри борлигини ҳамиша эслатиб туриш.

**Дилдора АҲМЕДОВА,**
**Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи.**





*Кейинги йилларда мамлакатимизда хорижий сармоялар ёрдамида барпо этилаётган қўшма корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда.*

*Наманган шаҳрида барпо этилган Ўзбекистон — Швейцария ҳамкорлигидаги «Нестле — Ўзбекистон» қўшма корхонаси ҳам шулар жумласидандир. Ўзининг сифати, таъми, кўриниши, табиий тўйинмаларга бойлиги билан машҳур бўлган ушбу маҳсулотлар эндиликда юртимизда ҳам ишлаб чиқарилмоқда.*

***Суратларда: цех ишчилари Ҳамид Исаев; Бахтиёр Фозилов.***

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## «ТИКО» МУБОРАК!

Жаннатмакон юртимизда Наврўзи олам шодиёналари давом этмоқда. Куни кеча, Жарқўрғон тумани меҳнаткашлари ҳам бу улуғ байрамни кўтаринки руҳда нишонлашди. Туман қиру-адирларида кўпкари, кураш, югуриш пойгаси, арқон тортиш каби спортнинг ўнлаб турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Туман маданият уйи созанда-хонандалари байрамга бағишлаб «Сени соғиниб яшайман, Наврўз» деб номланган катта концерт дастурини намойиш этишди.

Туман ҳокими илғорларни алоҳида рағбатлантирди. Жумладан, «Сурхон» фермер уюшмасига қарашли Шуҳрат Умаров бошлиқ «Араббек» фермер хўжалиги шартномавий режани ошириб бажарганлиги учун «Тико» русумли автомобил билан тақдирланди.

— Муваффақиятларимиз боиси ишчиларимиз тўлиқ ижтимоий ҳимояга олинганидадир — дейди фермер хўжалиги бошлиғи.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## СОЛИҚ ТЎЛАГАН ЮТАДИ

***Сирғали туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлимига ноқонуний цех фаолият кўрсатаётганлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушди. Тезкор қидирув гуруҳи зудлик билан ҳуфёна цехни фош этди. Маълум бўлишича, Сирғали-1 мавзесида яшовчи Ҳадия Сабурова уйда қонунга хилоф равишда ун маҳсулотлари ишлаб чиқараётганлиги аниқланди ва тўпланган далиллар жиноий ишлар судига оширилди. Ун маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш мосламалари давлат фойдасига мусодара қилинди.***

— Солиқ интизомини мустаҳкамлаш соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, солиққа оид жиноятлар ҳамда қонун бузилишларига қарши курашиш, давлатга етказилган зарарни ундириб олиш асосий мақсадимиздир, — дейди бўлим бошлиғи Илҳомжон Ёриев. — Энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, солиқ сиёсатига тўла амал қилиш борасида конституциявий меъёрлар ва қонун ҳужжатлари асосида тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб бораяпмиз.

Бу борада туман прокуратураси, ДСИ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Ходимларимиз корхона ва ташкилотлар ҳамда бозорларда доимий тушунтириш ишларини олиб боришаётир. Жумладан, «Тошкентиккиламчиметалл» шўъба корхонаси ҳамда 30 дан ортиқ маҳаллада солиқ тўловчилар иштирокида «Солиққа оид жиноятларни келиб чиқиши ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари», «Карвон—Сирғали авто» бозорида эса «Солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» мавзусида маърузалар ўқилди.

— Куни-кеча ушбу бўлим бошлиғи муовини Абдураҳмон Ҳалилов фуқароларимиз билан учрашиб, солиқ тўлов турлари ҳақида ҳамда барчани қизиқтирган саволларга жавоб берди, — дейди «Бобур» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Зокир ака Абдужабборов. — Мана шундай давра суҳбатлари тез-тез уюштириб турилса, нур устига аъло нур бўларди.

Олиб борилаётган кенг қамровли саъй-ҳаракатлар натижасида маҳаллий бюджетга солиқлар келиб тушиши ўз вақтида таъминланаётир.

Шунингдек, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, яширин иқтисодиёт, коррупция ҳоллари шаклланиши йўлларини аниқлашга қаратилган тезкор-таҳлил, қидирув ишлари борасида ҳам самарадорликка эришилмоқда. Мисол учун, яқинда «РозТрейдингЛТД» улгуржи бозорида фуқаролар Шукур Муҳримбоев ва Жасур Раҳимбоевлар ноқонуний равишда 100 АҚШ долларини сотишаётганида бўлим ходимлари томонидан қўлга олинди. Қонунбузарларнинг ҳар бирига 10.290 сўмдан жарима солиниб, ашёвий далиллар давлат фойдасига ҳисобланди. Бундан ташқари, «IMKOR» хусусий фирмаси бюджетга тўланиши лозим бўлган 3 миллион 384 минг сўмни яширганлиги ошкор этилиб, раҳбари Мурод Рўзиев устидан жиноий иш қўзғатилиб, чора кўриш учун туман прокуратурасига юборилди.



*Назорат*

Ҳозиргача бўлим томонидан 9 та жиноий иш очилиб, қонунбузарлардан 9 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ давлат фойдасига ундирилди. 28 та ҳолатда солиқ қонунчилигини бузган шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик чоралари қўлланилди. Ўтказилган тадбирлар натижасида қонунга зид равишда спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари билан савдо қилувчи ва яширин цехлардан олиб қўйилган моддий бойликлар қарийб 18 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир фуқаро давлат ҳазинасига солиқларни ўз вақтида тўлашни фуқаролик бурчи деб ҳисобласа ҳам ўзи, ҳам давлат манфаатларига ҳисса қўшган бўлади.

**Қобилжон ШОКИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

